

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN OTKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 14.58-4
2018 yil 13 iyul



**ЎЗБЕКИСТОН СТАНДАРТЛАШТИРИШ, МЕТРОЛОГИЯ
ВА СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ
БҮЙРУГИ**

**Маҳсулотларни сертификатлаш қоидаларига
ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 августдаги 373-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги тўғрисидаги низомга мувофик, буораман:

1. Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги бош директорининг 2005 йил 25 февралдаги 59-сон буйруги (рўйхат рақами 1458, 2005 йил 18 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 10-11-сон, 86-модда) билан тасдиқланган Маҳсулотларни сертификатлаш қоидаларига иловага мувофик ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ 2018 йил 1 июлдан кучга киради.

Бош директор

А. Каримов

Тошкент ш.,
2018 йил “29” сол
190 -сон

Ўзбекистон стандартлаштириш,
метрология ва сертификатлаштириш
агентлиги бош директорининг
2018 йил 29 майдаги
190-сон буйргугига
ИЛОВА

**Маҳсулотларни сертификатлаш қоидаларига киритилаётган ўзгартериш
ва қўшимчалар**

1. 12-бандда:

қуйидаги мазмундаги олтинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“олиб кирилаётган маҳсулотнинг аниқ ҳажми (сони) қўрсатилган ташқи савдо шартномаси (контракти) ва маҳсулотни етказиб берувчи ҳамда қабул қилувчи ўртасида тузилган келишув(лар) нусхаси (маҳсулотларни 7A чизмаси асосида сертификатлаштирилганда).”;

олтинчи хатбоши еттинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

2. 39-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“39. Мувофиқлик сертификати:

четдан келтирилган маҳсулотга – маҳсулотнинг яроқлилик муддатига;
битта ташқи савдо шартномаси (контракти) доирасида четдан келтирилган маҳсулотга – бир календарь йилидан ошмаган муддатга;

серияли ишлаб чиқариладиган маҳсулотга эса – 3 йил муддатга берилади.

Мувофиқлик сертификати бир хил номдаги ёки ўхшаш маҳсулотлар гурухига берилади ва унинг амал қилиши ҳақиқатда Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилган маҳсулотларнинг микдорига тааллуқли бўлади, лекин мувофиқлик сертификатида қўрсатилган микдордан кўп эмас (бунда битта ташқи савдо шартномаси (контракти) доирасида – маҳсулотнинг модели, тури, артикули ва (ёки) бошқа идентификация белгиларини кўрсатган холда шартнома бўйича четдан келтирилган маҳсулотнинг ҳажми (сони)га).”.

3. Куйидаги мазмундаги 57¹-банд билан тўлдирилсин:

“57¹. 7A-чизма битта ташқи савдо шартномаси (контракти) доирасида келтирилган маҳсулотни (транспорт воситаларидан ташқари) сертификатлаштиришда қўлланилади ва маҳсулотни АСЛда мажбурий кўрсаткичлар бўйича синашни назарда тутади.”.

4. 60-бандда “3, 4, 5, 7, 8, 9 чизмалар бўйича” сўзлари “3, 4, 5, 7, 7A, 8, 9 чизмалар бўйича” сўзлари билан алмаштирилсин.

5. 1-илова мазкур ўзгартериш ва қўшимчаларнинг иловасига мувофиқ таҳрирда баён этилсин.



Маҳсулотларни сертификатлаш
коидаларига киритилаётган
ўзгартириш ва қўшимчаларга
ИЛОВА

“Маҳсулотларни сертификатлаш
коидаларига
1-ИЛОВА

**Мувофиқлик сертификати орқали маҳсулотларнинг мувофиқлигини
тасдиқлаш жадвали**

Чизма рақами	Аkkредитатланган синов лабораторияларининг синови ёки мувофқиликни баҳолашнинг бошқа далили	Ишлаб чиқариш шароитларини баҳолаш ёки сифат тизимини баҳолаш	Сертификатланган маҳсулот устидан инспекция назорати (Сифат тизимини)
1	Маҳсулот турининг синови	-	-
2	Маҳсулот турини синовдан ўтказиш	-	Савдодан (истеъмолчидан) олинган намуналарни синови
3	Маҳсулот турини синовдан ўтказиш	Ишлаб чиқаришни баҳолаш	Ишлаб чиқарувчидан олинган намуналарни синаш
4	Маҳсулот турини синовдан ўтказиш	Ишлаб чиқаришни баҳолаш	Савдо (истеъмолчидан) ва ишлаб чиқаришдан олинган намуналарни синовдан ўтказиш
5	Маҳсулот турини синовдан ўтказиш	Ишлаб чиқаришни баҳолаш ёки сифат тизимини баҳолаш	Намуна синови ва сифатни тизими баҳолаш (ишлаб чиқаришни ўрганиш)
6	-	Сифат тизимини баҳолаш	Бошқарув тизимининг ҳолатини баҳолаш
7	Маҳсулот тўпини синовдан ўтказиш	-	-
7A	Маҳсулот тўпини синовдан ўтказиш	-	-
8	Ҳар бир намунани синаш	-	-
9	Мувофиқлик бўйича декларация ва унга илова қилинган ҳужжатларни кўриб чиқиш	-	”.

